

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**60** **Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий автотранспорт воситалари кириши, чиқиши ва транзит ўтишини назорат қилишни янада такомиллаштириш тўғрисида» 2008 йил 17 декабрдаги 274-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

Хорижий автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши, чиқиши ва транзит бўйича бўлишини назорат қилишни янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий автотранспорт воситалари кириши, чиқиши ва транзит ўтишини назорат қилишни янада такомиллаштириш тўғрисида» 2008 йил 17 декабрдаги 274-сон қарорига 1-иловага (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 12-сон, 66-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор билан киритилаётган ўзгартиришлар 2011 йил 1 мартдан бошлаб кучга киради.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2011 йил 17 февраль,  
36-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2011 йил 17 февралдаги 36-сон қарорига  
ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий автотранспорт воситалари кириши, чиқиши ва транзит ўтишини назорат қилишни янада такомиллаштириш тўғрисида» 2008 йил 17 декабрдаги 274-сон қарорига 1-иловага киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-банддаги «90» рақами «103» рақами билан алмаштирилсин.
2. 3-банддаги «200» рақами «230» рақами билан алмаштирилсин.